

UDK:635.792+632.74.

ОЛМА ДАРАХТИДАГИ ҚАЛҚОНДОРЛАРГА ҚАРШИ ROSEMAT ПРЕПАРАТИНИНГ БИОЛОГИК САМАРАДОРЛИГИ

Ташпулатов Уйгун Бекмурзаевич, Учаров Артём Батевич, Рахматов Асрор
Ахрорович, Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий тадқиқот институти

Annotation. *In this article Rosemat em.k. the drug has been tested. According to the results of the tests, the biological effectiveness against scale insects was 87.6-89.5% on the 14th and 21st days, respectively.*

Key words: *Apple, pest, scale insect, larvae, drug experience.*

Ҳукуматимиз қарорларида мевали боғ экин майдонларини кўпайтириш ва уларнинг ҳосилдорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланган. Бу борадаги асосий вазифалардан бири мевали боғларни касаллик, зараркунанда ва бегона ўтлардан ҳимоя қилишдир. Инсон ҳаёти учун жуда катта аҳамиятга эга бўлган мевалар, шу жумладан, гилос, олма, нок, беҳи, ўрик, шафтоли, олхўри ва олча маҳсулотлари озиқ-овқат рационидида асосий ўрин тутди. Мевали боғларни бир неча хил касаллик, зараркунанда ва бегона ўтлари маълум бўлиб, уларга қарши самарали курашиш боғлардан юқори ҳосил олишнинг асосий омилларидан биридир.

Ўсимликларни зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш муҳим ўрин тутди. Бутун дунё бўйлаб статистик тадқиқотларга кўра, зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлар туфайли ҳосилнинг 30% дан ортиғи йўқотилади. Бу муаммоларни ҳал қилишда асосий эътибор, ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилишга қаратилган, бу усул энг самарали ва ишлатиш учун қулай, аммо у жуда кўп салбий томонларга эга. Биринчидан, кимёвий усулдан фойдаланиш атроф-муҳитнинг ифлосланишига, бошқа тирик организмларга, шу жумладан одамларга токсик таъсир кўрсатишга ва фойдали фаунанинг йўқ қилинишига олиб келади. Бундан ташқари, кимёвий моддалардан узоқ муддатли фойдаланиш зараркунандаларда пестицидларга нисбатан чидамлилиқ ҳосил қилади. Бу улардан фойдаланиш самарадорлигини пасайтиради ва фойдаланишнинг юқори нархи туфайли пестицидлардан фойдаланишга сезиларли маблағлар сарфланади. Шунинг

учун ўсимликларни ҳимоя қилиш бўйича мутахассисларнинг асосий вазифаси замановий кам захарли самарали препаратлардан фойдаланиш мақсадага мувофиқ бўлар эди.

Мева боғлари кўплаб зараркунандалар учун узоқ муддатли яшаш жойи бўлганлиги сабабли, мавсум давомида ҳимоя чоралари ишлаб-чиқиш талаб этилади. Боғни зарарли организмлардан ҳимоя қилиш тизимларида кимёвий усул ҳали ҳам асосий ўринни эгаллайди. Бироқ, бир хил кимёвий моддалар мунтазам равишда қўлланиладиган боғларда зарарли турларнинг, айниқса пиретроидларнинг чидамли популяциялари пайдо бўлиши қайд этилган [15].

Боғларни зараркунандалардан ҳимоя қилиш тизимида туб ўзгаришлар зарур. Атроф-муҳит ва исонларга безарар бўлган *Bacillus thuringiensis* асосидаги микробиологик препаратлардан фойдаланиш зарур [2]. Инсектицидларнинг янги турдаги замонавий кам захарли кимёвий гуруҳларидан фойдаланиш [1].

Зараркунандаларнинг хавфли гуруҳларидан бири қалқондорлардир. Уларнинг кичик ўлчамлари ва тананинг ҳимоя ранги уларнинг озиқ-овқат ўсимликлари ва кўчат материаллари билан тарқалишига ёрдам беради.

Тадқиқот усуллари. Тажрибаларни амалга ошириш, кейинги қайдлар ва биологик самарадорликни ҳисоблаш Ўзбекистон Республикаси Давлат кимё комиссияси томонидан тасдиқланган “Услубий кўрсатмалар” (2004 й.) асосида амалга оширилди.

Тадқиқот натижалари. Тошкент вилояти Бўстонлик тумани, «Мамура Улуғбек Инобат» фермер хўжалигининг олма боғида Rosemat эм.к. препаратини 10 л/га меъёрида қалқондорларга қарши синовдан ўтказилди. Ушбу препаратни синовдан ўтказишда Rosemat эм.к. препарати олма боғларидаги қалқондорларга қарши синовдан ўтказилди. 10 л/га сарф меъёрида сепилганидан кейин 7-куни олма дарахтида қалқондорларга қарши синовдан ўтказилганда, самарадорлик 80,3% ни ташкил этди, 14 ва 21-кунларда самарадорлик 89,5 ва 87,6% ни ташкил этди. 15,0 л/га сарф меъёрида сепилганидан самарадорлик 7-куни 85,0% ни, 14 ва 21-кунларда эса мос равишда 92,9-90,4% ни ташкил этди. Бу натижалар андоза сифатида қўлланилган Энтомин 80% эм.к препарати қўлланилган вариантда 10 л/га

сарф меъёрида сепилганидан. кейинги 7-куни кўрсаткичлар 84,3%, 14-куни - 89,5% ва 21-кун - 86,3% ташкил этди (1-жадвал).

1-жадвал

Rosemat эм.к. препаратининг олма дарахтларидаги қалқондорларга қарши биологик самарадорлиги

Тошкент вилояти Бўстонлик тумани «Мамура Улуғбек Инобат» фермер хўжалиги, 19.03.2024 й

t/г	Вариантлар	Препарат сарф меъёри, л/га	Ишловдан кейин 10 см новдада зараркунанда ўртача сони (дона.)			Ишловдан кейинги кун биологик самарадорлик %		
1	Rosemat	10,0	2,5	3,4	6,7	80,3	89,5	87,6
2	Rosemat	15,0	1,9	2,3	5,2	85,0	92,9	90,4
3	Энтомин, 80% эм.к. (андоза)	10,0	2	3,4	7,4	84,3	89,5	86,3
4	Назорат (ишловсиз)	-	12,7	32,4	53,9	-	-	-

Rosemat эм.к. препарати 10-15 л/га сарф меъёрларда олма дарахтларидаги қалқондорларга қарши юқори самарадорлигини кўрсатди.

Андоза сифатида Энтомин, 80% эм.к. препарати 10,0 л/га сарф меъёрда олма боғларидаги қалқондорларга қарши қўлланилган вариантда эса назоратга нисбатан 86,3% самарадорликни ташкил этди.

Хулоса. Олиб борилган синов натижаларига кўра, Rosemat эм.к. препарати 10-15 л/га сарф меъёрда олма боғларидаги қалқондорларга қарши 87,6-90,4 % биологик самарадорликка эришилганлиги аниқланди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

- 1.Артюхов В.Ф., Мишинева В.К., Филиппов А.В. Калипсо в яблоневых садах //Защита и карантин растений. - 2001. - №4. - С.25.
- 2.Бергун С.А., Сторчевая Е.М., Монастырский О.А., Яршенко В.А. Действие штаммов *Bacillus thuringiensis* на зеленую яблонную тлю. – 2004. -№8. - С.28-29.
- 3.Гусев В.И. Определитель повреждений плодовых деревьев и кустарников. - М. «Агропромиздат». - 1990. - 240 с.
- 4.Махоткин А.Г., Махоткина Л.Я., Гричанов И.Я., Овсянникова Е.И. Феромонный мониторинг яблонной плодовой жорки// Защита и карантин растений. - 2004. - №5. - С.47-48.

5.Метлицкий О.З. Система защиты яблони и груши //Защита и карантин растений. - 2003. - №6. - С.44-47.

6.Рябчинская Т.А., Харченко Г.Л. Инсектициды в саду //Защита и карантин растений. - 2002. - №3. - С.51-53.

7.Рябчинская Т.А., Харченко Г.Л. Кто угрожает сегодня садам //Защита и карантин растений. - 2006. - №7. - С.20-22.

8.Гавалов И.Д. Главнейшие червецы и щитовки //Вредители садовых растений. Т.4. - Краснодар, 1936. - 125 с.

9.Козаржевская Э.Ф., Константинова Г.М., Терешкова Е.В. Идентификация и характерные признаки семейств кокцид Homoptera, Coccoidea //Защита растений от вредителей и болезней. – М.: ГБС АН СССР, 1980. – С.58-63.